

**«HUQUQ» ПОЧТАСИДАН**

МУҲОФАЗА ОБЪЕКТИ

**АКС-САДО**

4-бет

**ИМКОНИЯТ**

**ФАРМОН ВА ИЖРО**

Махсус саҳифа

5-бет

**Нолегал савдо**

Муҳофаза

6-бет

**ХАЛҚАРО ҲАЁТ**

**ҚАСОС ОПЕРАЦИЯСИ**

7-бет

*Mustaqillik huquq demakdir*

# HUQUQ

Yanvar	
D	6 13 20 27
S	7 14 21 28
Ch	1 8 15 22 29
P	2 9 16 23 30
J	3 10 17 24 31
Sh	4 11 18 25
Y	5 12 19 26

# 02  
(265)

YURIDIK GAZETA

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqra boshlagan.



Қудратли мамлакатнинг аскари бақувват бўлур, аскари бақувват мамлакат қудратли бўлур.  
Амир ТЕМУР

## ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИГА БАЙРАМ ТАБРИГИ

Азиз аскар ва сержант ўғлонларим!  
Қадрли офицер ва генераллар, муҳтарам фахрийлар!  
Ўз ҳаётини она заминимизни ҳимоя қилишдек муқаддас ишга бағишлаган юртдошларим!

Авалламбор, барчангизни қутлуғ байрам — Ватан ҳимоячилари кuni билан чин қалбимдан самимий муборакбод этишга руҳсат бергайсизлар.

Бугун биз юртимизда эркин ва обод ҳаёт, демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш, халқимиз турмушини ҳеч қимдан кам бўлмайдиган даражага кўтариш, жаҳон майдонида ўзимизга муносиб нуфузли ўрин эгаллаш йўлида қўлга киритаётган, халқаро ҳамжамият тан оладиган ютуқларимиз ҳақида мамнуният билан гапирришга ҳақлимиз.

Шу билан бирга, атрофимизда, яқин ва узоқ минтақалардаги қарама-қаршилик, зиддият ва низолар, халқаро терроризм каби даҳшатли хавф тобора кучайиб бораётган мураккаб бир вазиятда эл-юртимизнинг тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, уни турли бало-қазолардан асраш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашни бугунги кундаги ўта муҳим ва энг долзарб вазифамиз тариқасида қабул қилишимиз даркор.

Шу борада замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланган, ихчам ва ҳаракатчан, бугунги кун талабларига ўла жаваб берадиган Қуролли Кучларимизни шакллантириш ва шу мақсадда амалга ошираётган ислохотларимиз нақадар долзарб эканини, уларнинг аҳамияти ва моҳиятини тушуниш, англаб этиш қийин эмас.

Миллий қадриятларимиз ва аждодларимизнинг жанговар анъаналарига, шу билан бирга, энг замонавий талаблар ва андозаларга мос келадиган армиямизни барпо этиш ҳақида гапирар эканмиз, ўтган қисқа давр мобайнида ана шу мақсадга эришиш йўлида дастлабки қадамлар қўйилганини айтиш зарур.

Авалло, мамлакатимизнинг Муҳофаза доктринаси ишлаб чиқилиб, шу негизда Қуролли Кучларимиз модернизация қилинаётган бир пайтда унинг таркибини мутлақо янгича асосда — энг кичик гуруҳдан тортиб бригадасгача қайтадан тузиш, ҳарбий округлар, махсус қисм ва бўлиналар билан таъминлаш, биз яшаётган Марказий Осиёдаги мавжуд хавф-хатарлар, юртимизга қарши қаратилган ҳар қандай хуруж ва юришларнинг олдини олиш борасидаги ислохотлар минтақамиздаги ҳарбий ҳаракатлар майдонининг ўзига хос хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда ўтказилаётгани шулар жумласидандир.

Юртимиз хавфсизлиги ва мамлакатимиз истиқболини таъминлашда ҳал қилувчи аҳамиятга молик бўлган бундай йўналишда олиб борилаётган ислохотларни қатъиятлик билан охирига етказиш, бир сўз билан айтганда, **халқимизнинг энг ишончли таянчи ва суянчи, фахри ва ифтихори бўлиши миллий армиямизни барпо этиш давлатимиз ва жамиятимиз, Ватанимизнинг тақдирига бефарқ қарамайдиган ҳар қайси инсоннинг муқаддас бурчига айланиши зарур.**

Албатта, ўз Қуролли Кучларини қўраётган ва унинг қудратини оширишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган ҳар қайси давлат ҳарбий тузилмаларни энг замонавий, мутлақо янги тамойиллар асосида яратилган техника ва ҳарбий ускуналар, қурол-яроғ билан таъминлаши даркор. Буни ҳеч қим инкор этолмайди.

Аmmo бундай вазифани ҳисобга олган ҳолда Қуролли Кучларимизнинг ҳарбий маҳоратини ошириш, ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар қандай машаққатли синовдан шараф билан чиқиш, аввало, сиз, бугун хизмат қилаётган ҳарбийлардан нафақат жисмоний тайёргарликчи, балки юксак ақл-

идрок, интеллектуал салоҳият, алоҳида руҳий-маънавий хусусият ва фазилатларга эга бўлишни, энг замонавий қурол-яроғларнинг сир-асрорини пухта эгаллашни тақозо этади.

Бу ўз навбатида Қуролли Кучларимизда хизмат қилаётган инсонларимиз, аввалламбор, оддий аскар ва сержантлар, офицер ва генералларимизнинг мустақкам ирода ва фидойилиги, она юртга меҳр-муҳаббат ва саддоқатига сўзсиз боғлиқдир.

Шу маънода, **армиямизда соғлом маънавий муҳитни яратишда таълим-тарбия ишларига алоҳида эътибор бериш, ҳарбий тайёргарлик жараёнини илгор техник ва технологик воситалар, янгича усул-усулбар асосида ташкил этиш, ҳарбий хизматнинг интеллектуал мезонлари ва йўналишларини такомиллаштириш йўлида бошлаган ишларимизни изчил давом эттиришимиз шарт.**

Айниқса, сержантлар тайёрлаш мактаблари, замонавий ҳарбий полигонлар, офицер кадрларни тайёрлаш бўйича моделлаштириш ва симуляция марказлари фаолиятини, шунингдек, НАТОнинг "Тинчлик йўлида ҳамкорлик" дастури доирасида амалга оширилаётган ўқув машғулотларининг самарадорлигини юксак босқичга кўтаришимиз лозим.

Энг муҳими, шунингдек тақдор айтмоқчиман: **ҳарбий хизматни ўзининг касби, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурчи деб биладиган, бутун ҳаётини Қуролли Кучларимиз сафида хизмат қилишга бағишлаган ўғлонларимизнинг оғир хизматини қадрлаш, уларнинг туну кун, тиним билмасдан ўз ҳарбий маҳоратини ошириш йўлида қилаётган машаққатли меҳнатини эъзозлаш барчамиз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.**

Биз бу борада ҳарбий хизматчилар ва уларнинг oilаларининг ижтимоий муҳофазасини қучайтириш, нафақат сержант ва офицерлар, шартнома-контракт бўйича хизмат қиладиган ҳарбийларнинг, айни вақтда муддатли хизматта чақирилган оддий аскарларнинг ҳам молиявий таъминотини янада яхшилашни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз.

Шундай амалий мақсадларга эришиш йўлида Олий Махлисимизнинг яқинда бўлиб ўтган X сессиясида қабул қилинган "Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги қонун алоҳида ўрин тутди. Бу қонунга мувофиқ ҳарбий хизмат муддатини 12 ойгача қисқартириш, янги турдаги армияни шакллантиришга доир ҳуқуқий асосларнинг яратилиши ўз фарзандларини катта орзу-умидлар билан армия сафига кузатаётган ота-оналарнинг кўнгилни хотиржам қилишига, мухтасар қилиб айтганда, фуқароларимиз учун **армияда хизмат қилишни нафақат фахрли бурч, балки олий шарафга, ўз Ватани ва халқига садокат, жасорат ва матонат мактабига айлантиришига, унинг нуфузини янада оширишига ишончман.**

Қадрли Ватан ҳимоячилари, мард ўғлонларим!  
Тинч ҳаётимиз, мусофҳо осмонимиз, кажжи болаларимизнинг қувноқ кулуги, ота-оналаримизнинг ошуда умр кечирishi — Оллоқ таоло ўзи бизга берган мана шундай ҳаётнинг ҳимояси, уни асраб-авайлаш, кўз қорачигидай сақлаш барчамизнинг, аввалламбор, сизларнинг қўлингиздадир.

Халқимиз армия сафларида хизмат қилаётган ўз фарзандларига ҳамisha гурур ва ифтихор билан қарайди, ўз армиясига, Ўзбекистон Қуролли Кучларига ишонadi.

Ана шу юксак ишончга доимо муносиб бўлишингизни истаيمان.

Ислом ҚАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Президенти,  
Қуролли Кучлар Олий бош қўмондониди

## ВАТАН ҲИМОЯСИ ИШОНЧЛИ ҚЎЛЛАРДА

### МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ватан ҳимоячилари кuni» муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа, Ички ишлар ва Фавқулодда вазиятлар ва зирликлари, Миллий хавфсизлик хизмати, Давлат chegarаларини ҳимоя қилувчи ҳамда Божхона қўмиталари, «Ватанпарвар» ташкилоти, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг алоҳида ўрناق кўрсатган ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида»ги Фармонида асосан юртимизда тинчлик ва хавфсизликни таъминлаш, давла-

тимиз ва жамиятимизда ҳуқуқ ҳамда манфаатларни ҳимоя қилиш, қонунчиликни мустаҳкамлаш ишига қўшган салмоқли ҳиссаси учун бир гуруҳ юртдошларимиз қатори Ўзбекистон Республикаси ҳарбий прокурорининг катта ёрдамчиси — жиноятларни тергов қилиш бошқармаси бошлиғи ПЎЛАТОВ Элдор Ҳакимович Ўзбекистон Республикасининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Тахририятимиз жамоаси номидан Э. Пўлатовни ушбу мукофот билан самимий қутлаймиз.

# ТИНЧЛИК ВА БАРҚАРОРЛИК КАФОЛАТИ

## SARHISOB

1992 йил 14 январда Ўзбекистон Олий Кенгаши юртимиздаги ҳарбий қисмлар, ўқув юртлири ва бошқа ҳарбий тузилмаларни мамлакат ҳуқуқий тасарруфига олиш тўғрисида қарор қабул қилди. 1993 йил 29 декабрда қабул қилинган қонунга биноан «14 январь — Ватан ҳимоячилари кuni» деб эълон қилинди.

Бу Ўзбекистоннинг мустақиллиги, ҳудудий ахлитлиги, ҳуқуқий-демократик давлат барпо этаётган мамлакат фуқароларининг тинч-осойишта ҳаёти, бунёдкорлик меҳнати ва хавфсизлигининг кафолати сифатида Куролли Кучларнинг мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва тарихий вазифаси эътироф этилганининг далилидир.



**Ш.УЗОҚОВ,** Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурорининг 1-ўринбосари, адлия полковниги

итларига мувофиқ равишда тақомиллаштирилади. Бу ҳолатни янги тахрирдаги «Прокуратура тўғрисида»ги қонунда ҳам кўриш мумкин.

Қонунда Ҳарбий прокуратуранинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ янги қоидалар илк бор эътироф этилди. Бу ҳолат ўтган давр ичида мамлакат Президентининг «Ўзбекистон Ҳарбий прокуратурасини ташкил этиш тўғрисида»ги Фармони тўлиқ ижро этилганлиги ва унинг бандлари асосида амалга оширилган тадбирлар қонуний ечимини топганлигининг ифодасидир.

Қонуннинг 4-моддасида илк бор прокуратура органларининг Ўзбекистон Куролли Кучларида, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиши асосий йўналиш тарихида кўрсатилди. Бу ўринда Куролли Кучлар тимсолида Мудофаа вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат чегараларини қўриқлаш қўмитаси, ИИБ ички ва қорувул қўшинлари ҳамда МХХ қисмлари назорат тутилган.

Қонуннинг 10-моддасида биринчи бор Ҳарбий округлар ва ҳудудий ҳарбий прокуратуралар прокуратура органларининг тизимига кириши эътироф этилган. Бу янги ҳарбий ҳуқуқий тузилмалар шу вақтга қадар прокуратура органларининг тизимининг таркибий қисми тарихида қонун нормалари билан мустаҳкамланмаган эди.

Қонуннинг 16-моддасида: «Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратурасига лавозимга кўра Ўзбекистон Республикаси

публикаси Бош прокурорининг ўринбосари бўлиш Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокурори раҳбарлик қилади», — дейилган. Ҳарбий прокуратура раҳбарини тайинлаш Республика Президентининг ваколатига киради.

Истиқлол шарофати билан янги демократик давлат ва адолатли жамиятнинг қуриш, иқтисодий-иқтисодиётининг ривожлантириш ва маънавиятимизни юксалтиришда катта муваффақиятларни қўлга киритдик. Айтиш жоизки, ҳарбий прокуратура идоралари тизимини тақомиллаштириш ҳарбий ислохотлар билан ҳамроҳ равишда давом эттирилди.

Ўтказилган ислохотлар ҳарбий прокуратуранинг иш самарадорлигини оширишга, жумладан, жиноятчиликнинг олдини олиш, фош этиш ва тергов қилиши, Куролли Кучлар манфаатига етказилган мулк ва моддий зарарларни ундирish фаолиятига кескин ижобий таъсир кўрсатди.

Ҳарбий прокуратура идоралари умумий назорат фаолиятининг сифат ва салмоғи ошиб бориб, 2002 йилда 2001 йилга нисбатан ўтказилган текширувлар 7,8 фоизга, аниқланган қонунбузилишлар юзасидан қиртилган тақдимномалар 24,7 фоизга, интизомий жавобгарликка тортиш 31,1 фоизга, моддий жавобгарликка тортиш 42,7 фоизга, расман огоҳлантириш 10,5 фоизга ва умумий назорат тартибидеги ҳиёти ишлари кўзгатиш 6,5 фоизга кўпайган. Бундан ташқари, текширишлар жараёнида қонунбузарликлар ту-

файли етказилган зарарларни ихтиёр равишда ундирish 49.347.000 сўмдан 67.422.000 сўмга қадар ошган.

Текширувлар натижасига кўра, 2002 йилда Мудофаа ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси раиси, ИИБ ички ва қорувул қўшинлари кўмондонлари номига қонунбузарликларни барта- раф этиш юзасидан 40 дан зиёд тақдимномалар қиртилган. Ҳарбий прокуратура идоралари доимий равишда қонунчиликни таъминлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш бўйича тадбирларни амалга ошира бориб, 2002 йили Куролли Кучларда жиноятларнинг 6,5 фоизга камайишига эришилди.

Ҳарбий прокуратура идоралари назорати остидаги қўшинларда, ҳарбий қисм ва муассасаларда қонунчиликни таъминлаш ва жиноятларнинг олдини олиш, аскар ва офицерларнинг маънавиятини кўтариш мақсадида «Ватанпарвар», «Ҳуқуқ ва бурч», «Бурч» газеталари чоп этилмоқда. УзТВда «Ватанимга хизмат қиламан», «Муқаддас бурч» қўрсатувлари мунтазам эфирга берилаяпти. Ҳарбий прокуратура идоралари томонидан ҳуқуқ тарғиботига алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, ҳарбий қисм ва муассасаларда ўтказилган тадбирлар сони 4019 тани ташкил этади. Шунингдек, матбуотда 200, телевидениеда 140 ва радиода 88 марта чиқиб қилинган.

Ўтган йили Республика Ҳарбий про-

куратураси ҳайъати қарорига кўра округ ва гарнизонларда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, қисм кўмондонлари, махсус бўлимлар раҳбарлари иш-тироқда тузилган мувофиқлаштирувчи кенгашлар қонунчилик, ҳуқуқ-тартибот, ҳарбий хизматчилар ўртасида интизомни мустаҳкамлаш ва жиноятчиликнинг олдини олиш борасида самарали иш олиб бори ва матбуотда эълон қилиниши йўлга қўйилди.

Ҳарбий прокуратура идораларининг хизматда алоҳида ўрнқ кўрсатган бир қатор ходимлари Республика ҳукумати ва Бош прокурори томонидан муносиб тақдирландилар.

Шундай бўлса-да, амалга оширган ишларимизни етарли дейишга ҳали эрта. Ҳали Куролли Кучларни давлат раҳбари белгилаб берган поғонага кўтариш, ҳарбий юриспруденция салоҳиятини ошириш, аскар ва офицерларни собиқ Совет армиясининг салбий асратларидан тўлиқ холи қилиш, уларда қонунлар ва ҳарбий низоомларга ҳурмат ҳиссини юзага келтириш борасидаги ишларимиз давом этади. Ходимларимиз Президентимизнинг суд-ҳуқуқ ва ҳарбий соҳалардаги ислохотларга доир кўрсатмаларини ҳаёtgа татбиқ қилиш, қўшинларнинг жанговор тайёргарлигини янада ошириш борасида бундан кейин ҳам билим ва ғайратларини аямайдилар.

Пировардда, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси номидан барча ҳарбий хизматчиларни, уларнинг оила аъзоларини, Куролли Кучлар фахрийларини Ватан ҳимоячилари кuni билан табриқлайман. Уларга мустаҳкам соғлиқ, Ватанимизнинг мудофаа қудратини янада юксалтириш борасидаги шарафли ва масъулияти хизматларида муваффақиятлар тилайман.

Бу тўғйу ўз-ўзиндан шаклланиб боради. Акс ҳолда кейинчалик кеч бўлади, уринишлар зое кетади. Бугун ўз зиммаларидаги бурч — мuddатли ҳарбий хизматни ўтаётган Ватан ҳимоячиларига хос мардлик, жасурлик, сергаклик сингари энг зарур фазилатлар ҳам аввало оиладаги муҳитга боғлиқ деб биламан. Агар улар соғлом муҳитда вояга етиб, армия сафига келишса, ҳозир оз бўлса-да учраб турган сўнги пушаймонларга ҳожаат қолмайди.

— Агар мумкин бўлса, «сўнги

# БИЗ —

Куролли Кучлар Олий Бош кўмондонни Ислон Каримов аскарларимизнинг нафақат билимли ва жисмонан бақувват, балки маънан баркамол бўлиши лозимлигини хар доим таъкидлаб келмоқда. Айни пайтда барча турдаги қўшин ва тузилмаларнинг яқин ҳамкорлиги ва самарали бошқаруви йўлга қўйилмоқда, мамлакат хавфсизлигини ҳарбий жиҳатдан таъминлашнинг уюшган ҳаёлиг тизими тақомиллаштириляпти. Бу эса, ўз навбатида, моддий ва молиявий ресурсларни сезиларли миқдорда тежаган ҳолда, давлатнинг мудофаа қобилиятини зарур даражада таъминлаш имконини беради.

Ўзбекистон Олий Кенгаши томонидан 1992 йилнинг 3 июлида «Мудофаа тўғрисида», «Умум ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниб, Куролли Кучлар фаолияти учун ҳуқуқий асос яратилди.

Бирок хар қандай қонун ижтимоий турмушнинг ўзгариб бораётган шаро-

## FAOLIYATGA NAZAR

Халқимизга истиқлолдек буюк неъмат насиб этганига ҳам ўн бир йилдан ошди. Аждодларимиз асрлар давомида орзу қилган мустақилликни асраб-авайлаш, кўз қорачиғидек сақлаш ва ҳимоя қилиш бизнинг асосий вазифамиздир. Сарҳадларимиз дахлсизлиги ва ҳудудий ахлитлигини сақлаш, юртимиз тинчлиги йўлида қалқон бўла оладиган ишончли армияга эҳтиж шу тариха пайдо бўлди. 1992 йили «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида» ва «Муқобил хизмат тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилиниши билан бу борада ислохотлар бошлаб юборилди. «Ушбу ислохотлардан мақсад миқдор жиҳатдан унча катта бўлмаган, лекин яхши шайланган, замонавий қуроллар ва ҳарбий техника билан бекаму-кўст қуролланган, Ўзбекистоннинг хавфсизлигини мустақил равишда ва пухта таъминлашга қодир бўлган Куролли Кучларни шакллантиришдир», деган эди юр்தобимиз.

Бу ислохотлар ҳарбий прокуратура ходимлари зиммасига ҳам катта масъулият юклатди. Республика ҳарбий прокуратураси тизимида бошқаруви тақомиллаштириш, муаммоларни тежорлик билан ҳал қилиш мақсадида округ ва ҳудудий ҳарбий прокуратуралар қайта ташкил этилди. Жанубий-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ прокуратураси ҳам ўз тизимидаги ҳудудий ҳарбий прокуратуралар билан биргаликда ҳарбий қисм ва муассасаларда қонунчилик ва ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқий онги ва ма-

# ИСЛОҲОТЛАР ИСТИҚБОЛИ

даниятини ошириш борасида бир қатор ишларга қўл урмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ сўнги пайтларда округ ҳудудидagi ҳарбий қисмларда аскарларнинг низоом қоидаларини бузиши ва ҳарбий қисмларни ўзбошимчалик билан ташлаб кетиши каби ҳолатлар кескин камайди.

Албатта, ҳар бир ота-онага оқ ювиб, оқ тараб вояга етказган фарзанднинг доғини қўришдан-да оғирроқ қайғу йўқ. Афсуски, мустабид тузум даврида шаклланган айрим иллатларни фазилат деб билган, янги келган аскарни менсимай, ўзини «дед» деб атаган баъзи аскарлар томонидан жиноят содир этиш ҳоллари кам бўлса-да, учраб турибди.

Бундай кўнгилсиз ҳолатларга барҳам бериш учун ҳарбий қисмларда турли тарбиявий тадбирлар ўтказилиб, ҳар бир ўлим ҳолати бўйича айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш масаласи ҳал қилинапти. Жиноят содир этилишига шарт-шароит яратиб берган мансабдор шахсларнинг ҳам жавобгарлиги оширилмоқда. Бу лозим ҳолатлар гарнизон, округ миқёсида муҳокама қилиниб, мувофиқлаштирувчи кенашларда хар томонлама таҳлил этиляпти.

Мамлакатимиз Куролли Кучларини ислоҳ қилишда, қисмлардаги ички муҳитни соғломлаштиришда бундай тадбирлар муҳим аҳамиятга эга. Олий Мажлиснинг яқинда бўлиб ўтган ўнчини сессиясида қабул қилинган янги тахрирдаги «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонун ва «Ўзбекистон Республикаси Куролли Кучлари резервидаги хизмат тўғрисида»ги Қонун лойиҳасининг биринчи ўқушда қабул қилинганлиги бу борадаги ишларга янада янгилашни талаб этади. Куролли

Кучларни ислоҳ қилиш ва сифат жиҳатдан янги армияни шакллантириш бир қун ёки бир ойда ҳал бўладиган иш эмас, албатта. Мазкур масала ҳам давлат тизимини ривожлантириш ва янгилаш каби узлуксиз давом этадиган жараёндир.

Мазкур қонунларнинг илгор мамлакатлар тажрибасига таяниб, бу соҳада юқори малакага эга бўлган мутахассислар ва аскар йиғитларнинг тақлифларини ўрганган ҳолда ишлаб чиқилганлиги мақсада мувофиқ бўлди.

Ҳарбий хизмат бард ва жасур, ватанпарвар йиғитларга хосдир. Шарҳнома асосидаги ҳарбий хизматни ўзи учун касб деб биладиган, машаққатли ва шарафли бу касбга меҳр қўйиб, ҳаётда ўз ўрнини топадиган йиғитлардан иборат профессионал армияни барпо этиш бугунги кун талабидир. Ҳадемай, Куролли Кучларда хизмат қилиш энг шарафли ишга айланиб, ҳар бир йиғит ўз хоҳиши, ҳавас ва иштиёқи билан ҳарбийлар сафидан жой олишга интилиши мударрар.

Бугун байрам баҳонасида ўтган йил якунлари ва фаолиятимиздаги муваффақиятлар хусусида қисқача фикр юритдик. Зеро, ютуқлардан руҳланиб, янгица қайфият ва кўтаринки руҳ билан янги йилни кутиб олиш, менимча, хайрли иш. Хар ҳолда, ҳарбий хизматчиларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза қилиш, соҳадаги ҳуқуқбузарликлар, жиноятларнинг олдини олиш юзасидан назоратни қучатириш, зимнамиздаги вазифани бекаму-кўст адо этиш фаолиятимизнинг асосий мезони бўлиб қолавермади.

**Фарҳод ОМОНОВ,** Жанубий-Ғарбий алоҳида ҳарбий округ прокурори

## MUSOHABA



### Термиз ҳарбий прокурори, адлия майори Анвар КЕНЖАЕВ билан суҳбат

— Анвар ака, Ватанга меҳр туйғусини қандай тасаввур этасиз? Қолаверса, Ватан ҳимоячилари қандай фазилатларга эга бўлишлари керак?

— Конституцияимизнинг 52-моддасига биноан Ватанин ҳимоя қилиш ҳар бир фуқаронинг бурчидир. Бу шунчаки гап эмас. Унда Ватанга чинакам меҳр туйғуси ўзи ифодасини топган. Демак, эл-юрт тинчлиги ва оsoийшталиги учун барча баб-баравар масъулдир.

Мен Ватан туйғусини шундай тасаввур этаман: ўғил-қизларни вояга етказадиган оилада тинч-тотув турмуш қарор топан бўлса,

пушаймон» деган иборага аниқлик қилиб ўтсангиз?

— Термиз ҳарбий прокуратураси ходимлари олиб бораётган тергов амалиётлари даврида худди шу сўз кўп тилга олинади. Гап шундаки, билиб-билмай ноҳуя иш қилган аскар қилмишидан пушаймонлигини, ота-онаси кекачилигини ё оилада ёлғизлигини билдириб, енгиллик сўраб мувожаат этишади. Шунда уларнинг бу ҳақда нега олдинроқ ўйлаб кўрмаганлигини, қадимини ўйлаб босмаганлигини эслата- миз. Айбдор аскар лoм-лим дея олмайди! Қани эди уларнинг қилмишини буткул кечириб

**TUYG'U**

## НЕВАРАМ ДИЁР – ХИЗМАТГА ТАЙЁР

*Тўрт яшар Диёржон Неварам, қаранг, Қаршида турибди Ҳоздек тик, таранг!*

*Бошига аскарлик Бўркини кийган, Ўнг қўлин кўтариб, Чаккага қўйган!*

*— Бобожон бўлажак Генерал Диёр Ватанга сиз каби Хизматга тайёр!*

*Шундай деб у гурс-гурс Қadam ташлайди. Тоғ қилиб кўнглимни, Кўзим ёшлайди!*

*— Эй, балли, Диёржон, Дeyман ўғлонга. Жонимни берайин Сендек посбонга!*

Искандар РАҲМОН, нафақадаги ҳарбий вряч

**TADBIR**

# ҲАРБИЙ ВАТАНПАРВАРЛИК ОЙЛИГИ

Маълумки, мамлакатимизда Ватан ҳимоячилари кунига бағишлаб 14 декабрдан 14 январга қадар ҳарбий ватанпарварлик ойлиги ўтказилди.

Шу муносабат билан мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотлари, ҳарбий қисмлар, мудофаа ишлари бўлимлари ва бошқа жамоаларда мазкур ойликка бағишланган турли тадбирлар бўлиб ўтди. Шарқий ҳарбий округ прокуратураси ходимлари жойларда бўлиб, бу тадбирнинг оммавий равишида ўтказилиш сабаблари, мақсад ва вазифаларини ҳарбий хизматчилар, фуқароларга тушунтириб бордилар.

Юртбошимиз, ҳукуматимиз сиеёсатининг асосий бўгинларидан бири ҳам ҳарбий хизматчилар ва фуқароларнинг она-Ватанга бўлган муҳаббат, фидойилик туйғуларини кучайтиришдан иборатдир.

Бу борада мудофаага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти Фарғона вилоят бўлимида олиб борилаётган ишлар таҳсинга лойиқ.

Жумладан, ҳарбий ватанпарварлик ойлиги ҳақида ахборот берувчи эълонлар, лавҳа ва шiorлар, кўргазмалли куруллар тайёрланиб, зарур жойларга ўрнатилди. Шу кунларда «Ватанпарвар» ўқув муассасалари, олий ва ўрта-максус ўқув юртлари, лицей, коллеж ва мактабларда Ўзбекистон Президенти Исло Каримовнинг асарлари ва маърузалари асосида «Аксилтеррор ҳаракатида Ўзбекистоннинг позицияси» мавзусида сиеёсий тадбир ўтказиш учун ҳозирлик кўриляпти. Шунингдек, ташкилот автомактаблари курсантларининг ҳарбий қисмлар ва турли оммавий мусобақалар ўтказиладиган жойларга ташрифини уюштириш, меҳнат жамоалари, ўқув юртларида, Ўзбекистон тарихи ва Курулли Кучларининг ҳаётини акс эттирувчи кўргазмалли бурчаклар ташкил этиш «Ватанпарвар»нинг иш режасига киритилган.

Кўпроқ самарага эришиш мақсадида ўтказиладиган ҳар бир тадбир учун ҳоқимликлар, маънавият

**TABASSUM**

Маст ҳолда уйга келаятган зобит уйлаяпти: «Хотиним тагин бақирадиган бўлди-да... Э-ҳа, йўли бор: хонамга кираману китоб оламан. У мени кўриб сўрайди: «Яна ичиб келдингми?». Мен эса: «Йўқ, мана кўрмаяпсанми, китоб ўқияпман», дейман.

У уйга кириб жимгина хонасига ўтиб кетади. Хотини кириб сўраяпти:

— Лаянати, яна ичиб келдингми?  
— Нима, кўрмаяпсанми, мана

китоб ўқияпман-ку.  
— Тентак, чемадони ёпиб жойинга қўй-да, бориб ухла.

\*\*\*

Қоронгу тун. Ёш аскар постда турибди. Қўлида милтик, Узоддан шарпа кўринади.

— Тўхта, кимсан! Шарпа эса индамай юришда давом этади.

— Тўхта, деяпман, ўв. Жонингдан умидинг борми? Йўқса, отиб ташлайман.

— Бу мен, командирингман, сенга ўқ олиб келаяпман, аскар.

амалий ишлари ҳам яхши самара бермоқда. Ҳарбий қисмларда ўтказиладиган суҳбатлар аскарлар ҳушёшлигини оширишга хизмат қилаяпти.

Биз аскарлар орасида ҳуқуқий-тарбиявий тадбирларни ўтказишда оммавий ахборот воситалари билан ҳамкорликка алоҳида эътибор бермоқдамиз. Мана учинчи йилдирки, Термиз ҳарбий прокуратурасининг «Бурч» газетаси ҳарбий қисмларга етказиб турилибди. Унда «Термиз ҳарбий прокуратураси фаолияти-

мувофикдир. Энг муҳими, энди аскарлар орасида «эски хизматчилари», «янгилар» деган совет армиясидан мерос қолган жирканч одатлар барҳам топади.

Термиз ҳарбий прокуратураси сессия ҳужжатларининг барча ҳарбий қисмларда ўрганиб чиқилишини назорат қилиб бормоқда. Бу жараёнда муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган аскарларнинг кўпчилиги шаклланаётган профессионал армия сафида қолиш, сержантлар тайёрлаш курсларига бориш



Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақириш, тиббий куриқдан ўтказиш, уларнинг жисмоний, ижтимоий-сиеёсий тайёргарлигини маромига етказиш Ўзбекистон Курулли Кучларини бутлаш, унинг зақирасини бойитишнинг энг муҳим омилларидан ҳисобланади. Бу борада мамлакатимизда кенг кўламли ишлар олиб бориляпти. Шу билан бирга баъзи вилоятларда фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга қақириш ва тиббий куриқдан ўтказишда қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилганлиги аниқланди.

Жумладан, Навоий вилояти мудофаа ишлари бошқармаси (бошлик полковник О.Умрасулов, 2-бўлим бошлиги подполковник Ю.Рўзиев, вилоят тиббий кўрик хайъати бош врачлари Б.Розиков) томонидан 2001 йил ва 2002 йил баҳорги қақирув даврида 16 нафар фуқаро соғлом деб топилиб, муддатли ҳарбий хизматга қақирилган бўлсада, бироқ ҳарбий қисмларда ва госпиталларда назорат тартибидеда ўтказилган қайта текширувларда уларнинг ҳарбий хизматга яроқсизлиги аниқланиб, доимий турар-жойларига қайтарилганликлари аниқланди.

Масалан 1983 йил 19 август кунини туғилган фуқаро Алишер Курбонов 2001 йил октябрь ойида Хатирчи туман мудофаа ишлари бўлими қақирув хайъати томонидан соғлом деб топилиган. Шунингдек, вилоят қақирув хайъати ҳам уни ҳарбий хизматга яроқли деб топган ва у Н-ҳарбий қисмга муддатли ҳарбий хизматни ўташ учун юборилган. У ерда А. Курбонов қайта тиббий кўрикдан ўтказилганда, ўн икки бармоқли ичак яраси касаллиги ташхиси билан хизматга яроқсиз деб топилиб, доимий турар-жойига қайтарилган.

Худди шундай ҳолат 1982 йил 1 апрель кунини туғилган фуқаро Жўрабек Муродовга нисбатан ҳам такрорланган. У ҳам туман ва вилоят комиссиялари томонидан муддатли ҳарбий хизматга яроқли деб топилиб, Н-ҳарбий қисмга жўнатишган. Бироқ у ерда ўтказилган қайта текширувда ўнг кулоғининг эшитиш қобилияти пастлиги туфайли доимий яшаш жойига муқобил хизматни ўташ учун қайтарилган.

Бундай ҳолатлар бўлажак ҳарбий хизматчиларнинг руҳий тушкунликка тушишига, тиббий кўрик хулосаларига шубҳа билан қарашига, шунингдек, одамлар ўртасида армиямиз тўғрисида ҳар хил гап-сўзларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Бунга йўл қўймастик, камчиликларни бартараф этиш барчамизнинг бурчимиздир. Зеро, биз орзу қилаётган профессионал армиянинг ўзагини ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом аскарлар ташкил қилади.

# ПРОФЕССИОНАЛЛАРМИЗ

**тадбирларда ҳарбий прокуратура ходимларининг ўрни қай даражада бўлмоқда?**

— Барча ходимлар ҳудуддаги ҳарбий қисмларга бириктирилган. Улар иштирокида «Прокуратура кунлари» ўтказиб турилибди. Бундай тадбирларда аскарлар, офицерлар тўлиқ қатнашишмоқда. Ҳуқуқий мавзудаги суҳбатларда кўпроқ ҳарбий низоом талабларига амал қилиш зарурлигига эътибор берилаяпти.

Бундан ташқари Термиз гарнизони офицерлар уйида бевосита ҳарбий прокуратура ходимлари иштирокида семинарлар ўтказиб турилибди.

Ҳарбий прокуратура жамоасининг Жанубий-Фарбий алоҳида ҳарбий округ прокуратураси вакиллари ҳамкорлигидаги

дан» рукин остида материаллар мунтазам бериб борилмоқда. Ходимларимиздан Собиржон Жумабоев, Уктам Тўрақулов, Шухрат Жўраев, Шамсиддин Эшмуродовлар газетанинг фаол муаллифларига айланишган. Шунингдек, «Хуқуқ», «Ватанпарвар» газеталарида ҳам фаолиятимиздан лавҳалар бериб борилляпти.

Иккинчи қақирик Олий Мақсиснинг тўққизинчи сессиясида ҳарбий соҳадаги ислохотларни чуқурлаштириш ва профессионал армияни тезроқ шакллантириш масалалари муҳокама этилди. Дарҳақиқат, бу бугунги куннинг долзарб масаласидир. Айниқса, муддатли ҳарбий хизмат даврининг 18 ойдан 12 ойга қисқартирилиши кўп жиҳатдан мақсадга

истагини билдиришди. Дарҳақиқат, ҳар қандай профессионал армиянинг ўзагини ҳарбий тайёргарликдан ўтган кишилар ташкил этади.

Бу йилги кузги қақирув чоғида худди шу мақсад кўзланган тадбирларга кўпроқ эътибор қаратилди. Муддатли ҳарбий хизматга ҳар томонлама соғлом ёшлар танлаб олинди. Шубҳасиз, булар шаклланиб бораётган профессионал армиянинг фидойиларига айланишди. Армиямиз эса ўзининг беқиеёс ва жаҳон андозаларига мос имкониятлари билан обод ва овоз Ватан тинчлигини таъминлашга хизмат қилаверади.

Суҳбатдош: Курбон ЖўРАНАЗАРОВ, «НУҚУҚ» муҳбири

И.ЭРМАТОВ, Навоий ҳарбий прокуратурининг ёрдамчиси, адлия майори

«HUQUQ», 2002 йил, 30-октябрь, 44-сон

**МУҲОФАЗА ОБЪЕКТИ**

Раҳматли бобомиз Нишон Аҳмад ўғли биз туғилмасимиздан уч йил олдин вафот этиб кетган экан. Бобомиз ҳақида сўраганимизда отамиз у кишининг Ўзбекистон халқ

артисти Фани Аъзамовга қуйиб қўйгандек ўхшашини айтар эди. Таниш-билишларнинг хотирлашларича, уруш ва ундан кейинги тикланиш йилларида қишқировли кунларда дала-дашда меҳнат қилиб уйга қайтган бобом Фани Аъзамовга ўхшаб артистлик қилибми ё чин дилданми, қўлларини сандал чўғига тугтиб «олов яхшим, палов?» дер экан. Уша пайтда қишлоқларимизда ҳар иккаласи ҳам танқис экан-да. Буни қарангки, орадан ярим асрдан зиёд вақт ўтса ҳам қишлоғимиз (ва унга ёндош ўнлаб қишлоқлар) учун бобомнинг саволи ҳануз ўз аҳамиятини йўқотгани йўқ. Шунинг учун ҳам «Муҳофаза объекти» мақоласида тоғли қишлоқларга хос муаммо ўртага ташлаиб, энг аввал қайси бири муҳофаза қилиниши керак: ўтин ёкиб кун кеçираётган одамларми ёки ўтин бўлиб кетаётган дарактларми, деган савол муштарийлар ҳукмига ҳавола қилинган эди.

Албатта, бу борада ҳар қимнинг ўз нуқтаи-назари бор. Бу мақола юзасидан таҳририятга келган расмий жавобларда ҳам акс этган.

Ҳасан НИШОНОВ,  
«HUQUQ» мухбири

## МУАММОНИНГ ЕЧИМИ БОР

Газетада долзарб масала кўтарилган. Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсига қандай муносабатда бўлсак, эртанги кунда ўзимиз ва фарзандларимизни ўраб турган табиий муҳит, демакки, турмуш шароитимиз фаровонлиги ҳам шунга муносиб бўлади.

Туманда ҳавонинг таркибидagi кислород 17 фоизни ташкил этиши, биринчи навбатда, Бўстонлик тоғларида ўсадиган қарағай, арча, Тяньшань ели ва бошқа нодир дарактлар туйғулдир. Лекин туманнинг тоғли ҳудудларида Пском, Такаёғоқ, Испай, Хумсон, Бурҷулма, Юсупхона, Янгиқўрғон, Богистон, Нанай, Хўжакент каби 22 та табиий газ билан таъминланмаган қишлоқлар мавжуд бўлиб, уларда 8500 дан зиёд хонадон бор. Агар бир хонадонга қиш мавсумида 5-6 метр-куб ўтин зарурлигини ҳисобга олсак, бу йилига диаметри 20-25 см.ли 90-100 минг дона даракт кесилади деганидир. Ҳолбуки, бир даракт диаметрини 25 см.га етказиш учун 8-10 йил керак бўлади.

Муаммонинг чигал томонларидан бири шундаки, бу жойларга ёқилма анча узокдан олиб келиниши керак. Жумладан, Пском, Такаёғоқ қишлоқлари кўмир омбуридан 70-80 км. узокликда жойлашган. Битта машинани кира қилиш нархи 25-30 минг сўм ва бир тонна кўмининг нархи 9-10 минг сўм бўлиб турган бир вақтда қишлоқ аҳолиси ҳар доим ҳам уни сотиб ололмайди. Шунинг учун ҳам даракт кесиб, ўтин тайёрлашга ҳаракат қилишади. Шу каби муаммолар тоғли қишлоқлар аҳолисини тоғу дараларга, табиий ўрмонзорларга ўтин излаб боришга мажбур қилади. Чунки уйда совуқ еб ўтирган боласини кўрган ота ҳеч

қачон «бу қарағай даракти экан, бошқасини толай» деб ўйлаб ҳам ўтирмайди.

Лекин жорий йилда юқори зона қишлоқларини кўмир билан таъминлаш анча яхши йўлга қўйилди. Ҳозирги кунга (2002 йил 30 ноябрь — таҳририят) қадар 3000 тонна кўмир тарқатилган бўлиб, шундан мактабларга 1569 тонна етказиб берилган ва яна 300 тонна етказиб бериш кўзда тутилмоқда. Аммо хонадонларни кўмир билан таъминлаш талаб даражасида эмас.

Туман табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси, Уғор-Чотқол давлат табиат миллий боғи ва бошқа тегишли ташкилотлар томонидан туманда ноқонуний даракт кесилиши ҳолатларига қарши муросасизлик билан кураш олиб борилмоқда. Шу билан бирга, ўрмон хўжалиги ва бошқа ташкилотлар томонидан йилига 150 гектардан янги ўрмонлар барпо этилмоқда. Бундан ташқари ўрмонларда мол боқишлигининг олдини олиш ҳисобига уларнинг табиий қўлайлишига эришилмоқда.

Туманимиз аҳолиси ўртасида юқорида қайд этилган ҳолатларни қамайтириш мақсадида ўтказиб келинаётган тарбия-ташвиқот тадбирларига қарамасдан ҳали ҳам дарактларнинг ноқонуний кесилиши ҳолатлари учраб турибди.

Бу муаммолар туманимизнинг чекка қишлоқлари кўмир ва табиий газ билан таъминлангандан сўнггина барҳам топишига ишонамиз.

А. БЕРДИЕВ,  
Бўстонлик туман прокурори

## АЛОҲИДА МУҲОФАЗА ҚИЛИНАДИ

Журналист Шерали Нишоновнинг «Муҳофаза объекти» номли мақоласида келтирилган муаммоларни бартафат этиш бўйича Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси томонидан олиб борилаётган ишлар тўғрисида қуйидагиларни маълум қиламиз.

Ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини асраш ва уни ҳимоялаш мақсадида тизимимизда махсус «Давбионазорат» инспекцияси ташкил этилган бўлиб, барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳрида алоҳида ваколатга эга бўлган давлат назоратчилари белгиланган тартибда фаолият кўрсатмоқда.



Чунинчи, 2002 йилнинг 9 ойи мобайнида МЖТКнинг 79-моддасига мувофиқ дарактлар, буталар, бошқа ўсимлик ва ниҳолларни ғайриқонуний равишда кесганлиги, шикастланганлиги ёки йўқ қилганлиги учун 903 фуқаро 3.400.900 сўмлик жаримага тортилган бўлиб, 5 та ҳолат бўйича ҳужжатлар расмийлаштирилиб ҳуқуқи муҳофаза қилиш идораларига топширилган. Бундан ташқари, ҳуқуқбузарларга нисбатан 39.169.000 сўмлик 505 та даъво кўзга тутилди, шундан 21.425.000 сўми ундириб олинди.

Мақолада келтирилган «Самарқанд-Қарши» йўлидаги Қоратепа тоғ тизмасининг айрим ҳудудларида кесилган дов-дарактларнинг учраши ўшбу ҳудудларни чорвачилик ёки ўрмон хўжалигини ривожлантириш мақсадида фойдаланишга олган ҳўжали раҳбарларининг эътиборсизликлари туйғулга келганлиги аниқланди.

Аҳолининг ичимлик суви ва табиий газга бўлган талабини қондириш мақсадида 1999 йил 1 июнь кунини Вазиirlар Маҳкамасининг 278-қарори қабул қилинган бўлиб, унга кўра мақолада келтирилган аҳоли пунктларини, жумладан, Жом ва Сазағон қишлоқларини 2003 йилда, Иброҳимота ва Товоқбулоқ қишлоқларини 2006 йилда газ билан таъминлаш режалаштирилган.

Ер ости чуқуқ суви манбалари захираларининг кескин қамайиб кетиши ва инфлосланшининг олдини олиш мақсадида республикаимизда жойлашган 19 та шундай манбаларга «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд» мақомини бериш ишлари амалга оширилмоқда. Ҳозирги кунга қадар 15 та ер ости суви манбалари бўйича ишлар якунланиб, ҳукуматнинг тегишли қарорлари, жумладан, Самарқанд вилояти Нурота ер ости чуқуқ суви манбалари ҳосил бўладиган ҳудуд — Жўш участкаси бўйича Самарқанд вилояти ҳокимининг қарори қабул қилинишига эришилди. Ўшбу ҳудудлар бундан буён Ўзбекистон Республикасининг «Алоҳида муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тўғрисида»-ги Қонуни ҳимоясида бўлади.

Х.ШЕРИМБЕТОВ,  
Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси раиси



## МАСЪУЛИЯТ КУЧАЙТИРИЛИШИ ЛОЗИМ

Узун туман прокуратураси жамоаси журналист Шерали Нишоновнинг «Муҳофаза объекти» номли мақоласи юзасидан қуйидаги мулоҳазаларини билдиради.

Туманнинг асосий ҳудудлари Боботоғ ва Хонжиза тоғ ва тоғоли ҳудудидан иборат бўлиб, Боботоғ ҳудудининг асосий қисми пистазордир. Маълумки, писта республикаимизда ноёб ўсимлик сифатида қадрланиши билан бир қаторда, ўзининг ҳосили билан ҳам машҳурдир.

Узун тумани марказидан «Боботоғ» ширкат хўжалиги ҳудудига мазкур пистазор орқали ўтилади. Бу эса, ўз навбатида, писта дарактларининг нобуд бўлишига олиб келмоқда. Бундан ташқари, Боботоғ ва Хонжиза тоғ ҳудудларидаги ўрмон ва дарактзорларда кўплаб чорва моллари боқишлиши табиатга катта зарар етказаяпти. Баҳор ва ёз ойларида фуқаролар хоҳлаган жойларига, тегишли руҳсатсиз дам олаётганлиги ҳам кўплаб ноёб дарактларнинг йўқ бўлиб кетишига олиб келмоқда.

Табиатни авайлаб-асраш ҳамда келажак авлодга қолдириш масаласини бугундан ўйлаб кўриш дарг талабидир. Шу ўринда ҳозирги даврда қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратиш мақсадида мувофиқ деб ҳисоблаймиз:

— Табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси ўрмон назоратчилари фаолиятини янада кучайтириб, уларни зарур асбоб-анжом ва техника билан таъминлаши лозим;

— тоғ ва тоғоли ҳудудларидаги ҳамда аҳолига яқин бўлган ўрмонлар муҳофазасини кучайтириш учун масъул идоралар раҳбарлари ва ходимларнинг масъулиятини янада ошириш шарт;

— маълумки, мавжуд ўрмонларнинг барчасида ўрмон қўриқчилари мавжуд бўлса, бир нафар ўрмон қўриқчисига бириктирилган жой жуда катта ҳудудни ташкил этади. Ўрмон қўриқчисининг эса ўзига бириктирилган ҳудудни доимий равишда ва тўлақонли назорат қилишга имконияти йўқ. Шу сабабли бу борадаги муаммони масъул идора раҳбарлари қайта кўриб чиқишлари лозим.

Б. ИБАТОВ,  
Узун тумани прокурори

## ВИЛОЯТ МИҚЁСИДАГИ МАСАЛА

Журналист Шерали Нишоновнинг «Муҳофаза объекти» номли мақоласи Нуробод туман прокуратураси томонидан ўрганиб чиқилди. Унда кўрсатилган муаммолар юзасидан қуйидагиларни маълум қиламан.

Ҳақиқатан ҳам, Нуробод тумани ҳудудидagi Қоратепа тоғ тизмаси атрофидagi қишлоқларда яшовчи аҳоли асосан артезиан қудуқ сувларини истеъмол қилади. Бу қудуқлардаги сув сатҳи охиригача икки-уч йилда табиий қурғоқчилик туйғулга келиши кутилган.

Туман «Сувоқова» корхонасининг маълумотига кўра, 2002 йили ёнғингарчилик мезъирида бўлганлиги сабабли тоғ тизмаси атрофидagi жойлашган қишлоқлардаги қудуқ ва булоқларда ёзнинг иссиқ кунларига суви мўл бўлиб, экиллари сўғирганда аҳоли томонидан фойдаланиб келинган.

Туман аҳолисини ичимлик суви билан таъминлаш бўйича 2002 йил давомида Тепакул, Сазағон ва Оксой қишлоқларидаги скважиналар таъмирланиб, ишга туширилди. Бундан ташқари, Жом ва Сарикўл қишлоқларида 1 тадан янги скважиналар қурилди. Оксой қишлоғида эса қурилмоқда. Ҳозирги кунда Сазағонда 5 та, Тавоқбулоқда 1 та, Оксойда 3 та, Меҳнатқашда 1 та, Қизилқаровнда 1 та, Сарикўлда 2 та, Жомда 2 та скважина ишлаб турибди. Ўшбу скважиналар хўжаликлар ҳисобида бўлишига қарамасдан, вилоят «Сувоқова» бошқармаси ва вилоят ҳуду-


дий коммунал хизмат бирлашмаси томонидан таъмирланмоқда.

Сув кам қишлоқларни сув билан таъминлаш мақсадида 2005 йилгача инвестицион дастур асосида қурилиш амалга оширилади.

Туман «Нурободгазтаъминот» идорасининг маълумотига кўра, Қоратепа тоғ тизмасидаги қишлоқларни Шўртан-Сирдарё ГРЭС газ тармоғига тизилган газ берили бошлангандан кейингина газлаштириш имконияти мавжуд. Бу муаммони вилоят ёки республика миқёсида ҳал этиш мумкин. Чунки газ тақсимлаш станцияси қурилиши, буортманча ва пудратчини аниқлаш, лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш ишлари «Самарқанд вилоятгазтаъминот», «Ўзтрансгаз» идораларининг ваколатига киради.

Тоғлардаги дарактларнинг кесилиб кетиш сабаблари юзасидан прокуратуранинг тезкор ходимлари, вилоят ва туман табиатни муҳофаза қилиш идоралари ҳамда ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш инспекцияси тезкор назоратчилари томонидан қўшма рейдлар ўтказилиб, аҳоли ва мактаб ўқувчилари билан суҳбатлар уюштирилиб, тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

М.ФОЗИЛОВ,  
Нуробод тумани прокурори



# ИМКОНИЯТ



## FARMON VA IJRO

Инсон тақдирини қизик. Баъзан биргина нотўғри қўйилган қадам одам тақдирини ўзгартириб юборади. Дейлик, эрта тонгда автомашинасига ўтирган ҳайдовчи ёки юқори қаватда ишлаётган қурувчи бир дам хушёрликни йўқотса бас. Ўзи истамаган ҳолда кимнингдир ҳаётига зомин бўлиши мумкин. Сўнг бу фожеани ҳар ким ўзича талкин қилади. Кимдир лоқайдлик деса, яна биров фалокат дейди. Нима бўлганда ҳам бегуноҳ инсон кимнингдир айби билан ҳаётдан бевақт кўз юмса, амалдаги қонунларимизга кўра жиноятчи ҳисобланади. Жиноятчи эса жазоланиши керак.

## JARAYON

Ўзбекистон Конституцияси қабул қилинганлигининг ўн йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида фармон чиқарилганига кўп вақт бўлгани йўқ. Ўзбек халқига хос бағрикенглик, инсонпарварлик хусусиятлари Президентимизнинг мазкур фармони билан халқро ҳамжамиятга яна бир бор намойиш этилди. Фармонни амалиётга татбиқ этиш мақсадида жазони ўташ муассасаларида, прокуратура, суд, милиция органларида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мухбиримиз Сирдарё вилояти прокуратураси бўлим прокурори, адлия кичик маслаҳатчиси Баҳоидир Махамедов билан шу хусусда сўхбатлашди.

ятни ҳис қила олишига катта ишонч бор.  
— Баҳоидир ака, фармон қандай ижро этилаётгани ҳақида ҳам маълумот берсангиз...  
— Ушбу фармонда кўзда тутилган энгилликлар Сирдарё вилоятида жойлашган Ховос тергов ҳибсхонасидаги маҳбус ва маҳкумлардан 46 тасига нисбатан қўллангани кўзда тутилган. Шундан 22 нафарининг жазо муддатлари қисқартирилади, 24 нафар шахс эса жазодан тўлиқ озод этилади. Шу вақтга 32 нафар шахсга амнистия акти қўлланилди.  
— Амнистия фармони қўлланилган шахсларнинг айримларини кўрсатиб ўта оласизми?  
— Марҳамат. Гулистон шаҳридаги «Набикоминтек» фирмаси эшигини бузиб кириб, 450 минг

# БАҒРИКЕНГЛИК ВА ИНСОНПАРВАРЛИК ТИМСОЛИ

— Баҳоидир ака, амнистия актининг бир қанча ижобий ҳаққатлари билан бирга, мунозарали томонлари ҳам бор. Айтайлик, жазодан озод этилган шахс бу кечиримликни қай даражада оқлай олади?  
— Тўғри, амнистия тўғрисидаги фармон юзасидан жуда кўп фикрларни билдириш мумкин. Лекин, энг аввал битта фикрни айтиб ўтиш, эътироф этиш адолатдан бўлар эди. Биз инсонпарвар, демократик давлат, фуқаролик жамияти барпо этмоқчимиз. Шу пайтгача яратилган ҳуқуқий база, жамиятнинг турли бўғинларида вужудга келтирилган барча институтлар, жамоат ташкилотлари фаолияти шу мақсадга йўналтирилган. Бу йўлда, табиийки, кўпгина қийинчиликлар, тўсиқларга ҳам дуч келинмоқда. Ушбу фармон ҳам шундай қийинчиликлар, тўсиқлар вужудга келишида у ёки бу даражада айбдор бўлган, ҳуқуқий муносабатларда «хатога йўл қўйган» шахсларга нисбатан имконият демакдир. Улар яна жамиятнинг фаол, ярашувчан қисмига эш, таъбир ҳоиз бўлса «эл» бўлиб кетармикан, ўз хатоларини меҳнатлари билан оқлармикан деган

умид мужассам бу фармонда. Барча демократик давлатларда бўлган сингари жазо — шахс ўзини жамиятга муносиб тарзда тута олиши учун уни «тарбиялаш» воситасигина ҳолос. Жазонинг оғир ёки энгиллиги ҳам пировард натижада шу мақсадни кўзда тутганда. Амнистия эса жазони энгиллатишдан етарли ҳулоса чиқариш, ишонч ва имкониятни суиистеъмол қилмаслик шартларига сўянади. Бевоасита сининг саволингизга келсак, жазони ўташдан озод этилган шахслар бу ишончни оқлай олишига шахсан менинг иймоним қомил.  
Мамлакатимизда амнистия эълон қилиниши шарқона донолик, бағрикенглик, инсонпарварлик каби маънавий илдиизларга таянади. Кечиримлик, инсон омиллини юқорига қўйиш бизнинг халқимизда бугун пайдо бўлган хусусият эмас. Халқимиз неча марталаб ҳаёт синовларидан ўтказган фазилат булар. Бинобарин, бундай фазилатни намойён этиш келажак авлод олдида ҳам, халқро ҳамжамият олдида ҳам ўрناق бўларлик улкан ҳодиса. Шу нуқтаи назардан жазони ўташдан озод этилган шахслар маънавий жиҳатдан ҳам масъули-

сўмлик компьютер жиҳозларини ўғирлаган Савалан Аҳмедов суд ҳукмига биноан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган эди. У амнистия туфайли оиласи бағрига қайтди.  
150 минг сўм пора олганликда айбланиб, суд ҳукмига биноан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган Жиззах индустриал касб-ҳунар коллежи сиртки бўлимининг солиқ мудири Абдурашид Абдукаримов ҳам қамқондан бўшатилади.  
Бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Энг муҳими, улар қилган ишларидан пушаймон эканлигини билдириб, амнистиядан миннатдор ҳолда озод ҳаётга қайтмоқдалар.

# ЎЙГА ҚАЙТИШ ФУРСАТИ ЕТДИ

2002 йил 3 декабрда эълон қилинган амнистия тўғрисидаги Президент фармонидан сўнг минглаб маҳбуслар ўз уйларига, қариндош-уруғлари бағрига қайтадилар бўлди. Фармоннинг моҳиятини оммага етказиш мақсадида мамлакатимиз бўйича оммавий ахборот воситаларида кенг қамровли тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Чунки ўйга қайтган солиқ маҳбус ҳамма билан тенг ҳуқуқли фуқарога айланади. Уларнинг жамиятда ўз ўрнини топишида маҳалла, қўни-қўшни ёрдами аямаслиги керак. Юртбошимизнинг бу фармони тарихий фармон десак бўлади. Унинг 4-бандида: «Экстремистик ташкилотлар фаолиятидаги иштироки, улар таркибиде Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига қарши жиноятлар ёки жамоат хавфсизлигига қарши бошқа қилмишлар содир этганига учун ўн йилдан ортиқ бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум этилган ёки озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга биринчи марта судланган шахслар жазодан озод қилинсин» дейилган. Фармонга кўра, биринчи марта судланган чет эл фуқаролари ҳам жазодан озод қилинадилар.



Вилоятимизда инсонпарвар фармоннинг моҳиятини халқга етказиш борасида анчагина ишлар қилинди. 2002 йил 25 декабрда қадар 68 нафар шахсга ушбу фармон татбиқ этилди. Жумладан, худудида ИИБга қарашли жазони ижро этиш бош бошқармасининг 3-тергов ҳибсхонасида сақланаётган 9 нафар шахс жазодан озод этилди. 8 нафар маҳкумининг жазони ўташ муддати қисқартирилди. Бундай мисолларни хоҳлаганча келтириш мумкин.  
Фармон ҳаётга тўлиқ татбиқ этилган, бошқа вилоятлардаги ҳибсхоналарда жазо ўтаган 1273 нафар маҳкум Бухоро вилоятига, ўз оиласига қайтиб келади. Шунча инсон, шунча тақдир. Албатта, ҳукуматимиз уларни қўймага ташлаб қўймайди. Биринчи навбатда улар тиббий кўриқдан ўтказилади. Соғлиги тикланади. Сўнг иш билан таъминланиб, соғлом турмуш тарзига қайтарилади. Солиқ маҳкумлар учун 34 млн. сўмдан зиёд маблағ моддий ёрдам сифатида ажратилган. Мақсадимиз битта. Солиқ маҳбус ўз уйига келдимки, оиласининг азиз кишиси бўлиб қолсин. Ортага қайтмасин.

Сўхбатдош: Раҳмон МУСТАФОВ, «HUQUQ» мухбири

Бобур СОБИРОВ, Бухоро вилояти прокурорининг катта ёрдамчиси

## MANZIL MUASSASASIDA

Жиноят. Бу сўз нақадар оғир бўлса, оғир жиноят, энгил жиноят дея тоифаланса-да, ҳаммаси ҳам жиноят. Жиноятга эса жазо муқарар.  
Жазо муддатини ўташ ҳам тоифаланган бўлиб, жиноят турига кўра қаттиқ тартибли, умумий тартибли муассасаларда ўталаниши таъкидланади. Бу ерда, аввало, маҳкумлар қайта тарбияга жалб қилиниб, тегишли ҳулоса чиқариб олишлари йўлида иш олиб борилади.  
Агар маҳкумларнинг жазони ўтаётган жойида ҳулқ-атвори яхши томонга ўзгара борса, улар қолган жазо муддатини манзил муассасаларда ўташга юбориладилар. Манзил муассаса маҳкумин озоликка тайёрлаб, уларни меҳнатга яқин муносабатда бўлишларини таъминлаб, меҳнатга жалб этиш, интизомга рияз қилишларида кўникама берилдиган асосий тарбия ўчоғидир.  
Манзил муассасанинг ички тартиб-интизомига рияз этиш жазо муддатини ўтаётган ҳар бир маҳкум зиммасига масъулият юқлайди. Ана шундай масъулиятни чин юракдан ҳис эта билиш,

яхшилик сари бурилиш демакдир. Маҳкумлар озодликдаги ҳаётнинг қадрига шу ерда етадилар. Бу эса келгусида улар кечирадиган турмуш тарзида катта ўрин тутганда.  
Ички хизмат подполковниги Шўхрат Содиқов бошлиқ бўлган жазони ижро этиш манзил муассасасида жазо ўтаётган маҳкумлар учун барча шарт-шароитлар яратилган.  
Манзил муассасасида тарбиявий ишлар яхши йўлга қўйилган. Бу ерда мунтазам равишда ҳар хил тадбирлар, муроқотлар ташкиллаштирилади. Манзил муассасанинг тарбиявий ишлар бўйича бошлиқ ўринбосари, ички хизмат катта лейтенанти Кўпайсин Қораяв хизмат соҳасида тўплаган бой тажрибаларини маҳкумларни маънан тарбиялаш борасида сарф этаётган.  
Маҳкумининг оиласи, ота-онаси билан бўладиган учрашувлар катта аҳамиятга эга. Бундай учрашувлар маҳкумларни оиласи, қариндошлари, яқинла-

ри, қолаверса, озодлик қадрини кўпроқ ҳис қилишга ундайди. Манзил муассасида маҳкумларнинг яқинлари билан учрашишлари учун ҳам барча қулайликлар бор.  
Б. Сурхондариён. У ишбилармон йиғилардан бўлиб, қўшма қорхонада бошлиқ бўлган. Лекин текин даромад олиш мақсадида жиноятга қўл урган ва 16 йилга озодликдан маҳрум этилган. Бор-йўғи 6 йил муддатни қаттиқ тартибли муассасида ўтаб, мана, уч ойдири бу ерга келган. Жазонинг бу қадар энгиллаштирилиши, биринчидан ўзининг яхши ҳулқи, иккинчидан унга нисбатан амнистия акти қўлланилганлиги туфайлидир. Учрашувга келган отаси, 65 ёшли Хўжамурод бобоичинг гап-сўзларидан баъамани инсон эканлиги, Б. худди шундай соддалик, ҳалол кишининг фарзанди эканлиги сезилиб турибди. Уни йўлдан адаштирган нарса ўша пул, уни топиш, топганда ҳам кўпроқ-мўлроқ топиш илинжи бўлган.

Бугунги кунда кекса отасига қўшилиб хотини Зулхумор ҳамда уч нафар ёш болалари узоқ йўлдан уни кўргани келишган. Барчалари бир-бирига мушток, Ота ўғлининг, хотин эса эрининг бу кўчага адашиб кириб қолганини тан олишди.  
Маҳкумлар соғлигини муҳофаза қилиш, эртага оиласи бағрига соғ-саломат қайтишлари йўлида сай-ҳаракат қилинмоқда. Бу ишда Муборак тумани марказий шифохонасининг мутахассислари яқиндан кўмақдошлар. Муолажамга муҳтож ҳар бир маҳкум шифохоналарнинг алоҳида эътиборида.  
Аммо биргина муаммо борки, бунга тўхталмасликнинг асло иложи йўқ, Манзил муассасаларда жазо муддатини ўтаётган маҳкумлар асосан қиллоқ ҳўжалик, қорвачилик маҳсулотлари иштириш билан шуғулланадилар. Бор кўчлари, вақтлари ана шунга йўналтирилган. Афсуски, тинимсиз меҳнат, пешона терлари билан етиштирилган

ҳосилни охиригача парваршилаб, йиғиштириб олишнинг имкони бўлмаяпти. Сабаби яна ўша оби ҳаёт — сув муаммоси. Бир неча бор мурожаат қилишлар, муаммони ҳал қилиш борасидаги қўйиб-пишишлар бекор кетапти. Ичимлик суви муаммосини эса гапирмасам ҳам бўлади. Узоқ масофадан қурблари етганча сув ташиб келтиришмоқда. Лекин қўлдан берганга қўш ўймак, деган нақл бекорга айтилмаган экан. Сув ҳаёт манбаи эканлигини тегишли мутахассислар асло унутмасликлари шарт!  
Адашгани, билиб-билмайми жиноят қилиб, жазо муддатини ўтаётганларнинг энг аввало инсон эканликларини унутмаслик, одамийлик нуқтаи назари билан ёндошиш мақсадга мувофиқ бўлади. Манзил муассасалар ҳўжаликлари жойлашган ҳудудларга бегона кўз билан қараб инсофдан эмас. Муборак туман ҳокимлиги, тегишли мутахассислар бу масалага атрофияла ёндошиб, сув муаммосини ҳал қилишлар, дея умид қиламиз.  
Улугбек ТУРДИЕВ, Қарши махсус прокурори, 1-даражали юрист Соҳибжамол АМИНОВА, журналист

# ЭНГ МУҲИМ МАСАЛА

Аминманки, кўпчилик «пештахта тагида» яшириб сотиладиган молларга ишқибоз бўлиб юрган кечаги давримизни яхши эслайди. Собиқ Иттифоқнинг савдо тизими шу даражада жиноийлашган, марказлашган эдики, давлат ҳокимиятининг барча бўғинларидаги ваколатли муассасалар ушбу тузилмага чапишиб кетганлиги бугун ҳеч кимга сир эмас. Бундай жиноий тузилмани тугатишга, эндигина таркиб топа бошлаган бозор иқтисодиёти ривожлантиришга олиб келган сабаб, шубҳасиз, савдо тизимини хусусийлаштириш бўлди...


Натижада савдо демократияси, эркин савдо ҳуқуқи тўғрисидаги жўшқин иборалар барчанинг хаёлини қамраб олди. Фикр юритмоқчи бўлганимиз халқ истеъмоли моллари билан савдо қилишда бу тезда кўзга ташланиб қолди гўё. Қоп кўтарган аёллар-у, катта-кичик тўжорлар чор атрофга югуриб, четдан товар олиб келишга киришишди. Пештахталар турли сифатли-сифатсиз товарлар билан тўлиб кеганлигини бугун ҳеч ким инкор эта олмайди.

## ✓ MULOHAZA

теъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солиш тўғрисидаги қарори бир неча йирик, хайрли мақсадларни кўзда тутди.

Бу, биринчидан, нақд пул эмиссияси миқдорини камайтириш, иккинчидан, ички бозорни, истеъмол товарлари ишлаб чиқарадиган корхоналар манфаатини ҳимоя қилиш, учинчидан, валютанинг четга чиқиб кетишини тўхтатиш, тўртинчидан, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида сифатли, сертификатланган товарлар кириб келишига йўл очиб, бешинчидан, товарларнинг нолегал равишда кириб келишини бартараф этиб, солиқ, божхона тўловлари интенсивлигини таъминлаб, бюджетга тушумларни кўпайтиришдан иборат.

Истеъмол товарлари савдосининг нолегаллашиши оқибатида нақд пул эмиссиясини бартараф этиш юзасидан каттагина муаммолар келиб чиққанлиги ҳам рост. Буни биргина мисол билан исботлаш мумкин. Масалан, Сирдарё ГРЭСининг 2002 йил октябрь-декабрь ойлари учун ўз ишчи-хизматчилари иш ҳақидан қарздорлиги



монавий бозор иқтисодиётини модернизациялашда эркин хусусий савдо тизимининг алоҳида ўрни бор. Бу, биринчидан, талаб ва таклиф нисбатини рақобат орқали ривожлантиришнинг энг ишончли усули бўлса, иккинчидан, бу жараён замонавий сервисни вужудга келтиришни ҳам кўзда тутди. Савдонинг хусусий ва эркинлиги бошқа тармоқларнинг ривожланишига олиб келиши шарт эди. Лекин кейинги йилларда савдо тизимида бир қатор сифат ўзгаришлари қилишга зарурат кучайди. 2002 йил

# Н

# Нолегал савдо

Инсоф билан айтганда, истеъмол товарлари билан савдо қилиш юзасидан давлат фуқароларга катта имкониятлар эшигини очиб бергани рост. Минг-минглаб кишилар шу йўл билан ўзларига машғулот, иш топанлиги ҳам буни исботлайди. Шаҳар ва туманларда янги бозорлар, катта-кичик дўконлар қад ростлади. Мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг бир-бириндан обод, гузал бозорларга, замонавий дўконларга дуч келасиз. Назорат этувчи органлар фаолияти чекланиши, тадбиркорлар фаолиятига ноқонуний аралашиларнинг бартараф этилиши давлатнинг конституцияда белгиланган нормаларга содиқ эканлигини исботлайди. Лекин бундай имкониятлар фақат битта мақсадга — бозор иқтисодиёти ривожлантириш, охири-оқибатда аҳоли турмушини фаровонлаштиришга хизмат қилиши лозим эди. Бошқача айтганда, за-

июлда эълон қилинган «Истеъмол товарлари билан савдо қилиш тартибга солишнинг чора-тадбирлари» тўғрисидаги Президент Фармони мана шундай заруратдан келиб чиққан.

Бундай заруратнинг илк сабаби истеъмол товарлари савдосининг нолегаллашиб кетганлигидадир. Божхона қоидаларини бузган ҳолда товарларни мамлакатимиз ҳудудига олиб кириш, уларни солиқ идораларидан яширинча сотиш авж олди. Матбуотда бунга кўллаб мисоллар келтирилган. Истеъмолчилар ҳуқуқларига хилоф равишда савдо қоидаларига риоя қилмаслик ҳолатларини эслатишнинг асло ҳожати йўқ.

Вазирлар Маҳкамасининг «Ис-

160 млн. сўмдан ортиб кетди. Боёв тумани солиқни сақлаш тизими ходимлари ҳам 2002 йилнинг сўнги уч ойи учун маошларини ололганлари йўқ. Бундай ҳолатларнинг асосий сабаби нақд пул тақчиллигидан бошқа нарса эмас.

Пулнинг қадрилиги, қуввати унинг товар билан қанчалик таъминланганлиги билан ўлчанади. Ички бозорда сифатли истеъмол товарлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган бўлса-да, кўпроқ чет элнинг сифатсиз товарларини харид

товарлар кириб келиши давом этмокда.

Нолегал савдо туфайли четга кўп миқдорда валюта чиқиб кетиши авж олди. Нақд пул тақчиллигининг яна бир сабаби — шу. Буни амалга ошириш учун савдогарларимиз томонидан назорат-касса машиналарини ўрнатмаслик, борида ҳам фойдаланмаслик, товарларни божхона, солиқ, савдо қоидаларига хилоф равишда олиб кириш ва сотишга уриниш одатий ҳолга айланиб қолди. Шу билан бирга аҳоли учун энг зарур товарларни четга сотиш ҳоллари ҳам кўпайган. 2002 йилнинг ўн бир ойи давомида Сирдарё вилоятида ўсимлик ёғини четга олиб ўтишга уриниш 37 марта содир этилган. Айрим чегара туманларида рангли металл, минерал ўғит, нефт маҳсулотлари савдосига ихтисослашган ноқонуний уюшмалар вужудга келганлигини яширишнинг ҳожати йўқ.

Оқридагилардан келиб чиққан ҳолда нолегал савдонинг бартараф этиш қанчалик катта аҳамият касб этишини чуқурроқ аниқлаш мумкин. Аҳолининг савдога оид ҳуқуқ ва мажбуриятларини тўлиқ аниқлаб этиш ҳамда савдо қоидаларига риоя этиши масалани анча енгиллаштирган бўлар эди.

**Абдураҳмон МУСТАФОҚУЛОВ,**  
**«HUQUQ» мухбири**

## ✓ DEPARTAMENT FAOLIYATIDAN

**Тадбиркорлик турмушимизнинг мазмунига айланиб бораётганини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. «Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, азии катый тадбиркор ва ҳушёр бир киши минг-минглаб тадбирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир» сингари пурмаъно нақллар бехудуга айтилмаган, албатта. Аммо, ўз манфаатларимиз қаторида, эл-юрт манфаатлари билан ҳам ҳисоблашмай қўйишга ҳаққимиз йўқ.**

# Сўмни БЕҚАДР ҚИЛМАНГ!

Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ва унинг жойлардаги бўлимлари томонидан валюта қимматликларини қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш ҳолатларини аниқлаш, олдини олиш ва бартараф этиш юзасидан ўтказилган текширишлар чоғида бир неча ҳуқуқ бузилиш ҳолатлари аниқланди.

Ургут туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ва Самарқанд вилоят ИИБ ходимлари ҳамкорлигида фуқаро Иброҳим Ражабовнинг аризаси асосида ўтказилган қўшма тадбир давоми-

да ҳам ана шундай ҳуқуқбузарликка мойил шахслар аниқланди. Ургут туманида яшовчи Асроркул Сафаров, тумандаги янги бозор директори М.Эгамбердиев билан ўзаро келишиб, унинг кўргазмаси асосида бозор ҳудудидан ер бериш учун 2002 йил 21 июнь куни фуқаро И.Ражабовдан 600 АҚШ долларини олаётган чоғида ушланди.

Фақат бозор ҳудудларидагина эмас, балки айрим хусусий дўконларда ҳам миллий валютани ҳисобланган сўм ўрнига чет эл валюта қимматликлари билан олди-сотди қилиш ҳолатлари учраб турибди.

Текшириш жараёнида Самарқанд шаҳрида жойлашган хусусий

савдо дўкони сотувчиси У.Насимов харидор У.Шариповга қонунга хилоф равишда «SONY» русумли рангли телевизорни 650 АҚШ долларига сотаётганлиги аниқланиб, ҳужжатлаштирилган.

Савдодаги худди шундай ноқонуний хатти-ҳаракатлар Боғишамол туманида жойлашган хусусий дўкон сотувчиси С.Ҳамроқулов, А.Аҳмедов, Темирйўл туманида жойлашган хусусий дўкон сотувчиси Б.Тошев, Самарқанд шаҳрида жойлашган «Муסיқа асбоблари» савдо дўкони сотувчиси, хусусий тадбиркор К.Шарипов томонидан ҳам содир этилган. Улар ўз дўконларига мансуб бўлган қимматбаҳо маҳсулотларни чет эл валюта қимматликларига пуллаётган пайтларида ушланиб қилмишларига яраша жазо олдилар.

Фуқаро Дилбар Ёкубова Оқтош шаҳрида истиқомат қилади. У 2002 йил 21 ноябрь куни Нарпай тумани

Оқтош деҳқон бозори ҳудудида фуқаро Наргиза Йўлдошевга 100 АҚШ долларини 125000 сўмга сотиб, ноқонуний валюта операциясини амалга оширган. Ушбу ҳолат Нарпай туман прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан расмийлаштирилиб, тўпланган ҳужжатлар туман судига юборилди.

Жиноятчилар-ку йўл қўйилган ҳар бир ҳолат бўйича қонунда белгиланган тартибда жазого тортилди. Бироқ, бу жазони миллий валютани қадр-қимматини янада ошириш йўлида ҳал қилувчи қадам дея олмаймиз.

Шундай экан, масалага онгли равишда ёндошиш, қонун кўрсатмаларига қайси амал қилиш, балки юрт раванқига ҳисса сифатида уларни ардоқлашни ҳам ўрганмоғимиз зарур.

**Баҳодир САЪДУЛЛАЕВ,**  
Самарқанд вилоят прокуратураси ҳузуридаги Солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бошқармаси бошлиғи вазифасини бажарувчи, адлия маслаҳатчиси

# ЭНГ ХАВФЛИ ИЛЛАТ

## MUSHOHADA

Яқинда «Хуқуқ» газетасида мансабдор шахслар томонидан содир этилаётган суиистеъмолчиликлар ва порахўрлик жиноятларига қарши кураш бўйича Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда ўтказган тадбирлар натижасида жиноят устида қўлга олинган баъзи мансабдор шахслар суд ҳукми билан тегишли жазога тортилганлиги тўғрисидаги хабарни ўқиб қолдим ва кўнгилдан кечган ўй-хаёлларимни қозоғга туширишга жазм қилдим.

Амалдорларнинг, мансабдор шахсларнинг порага сотилиши қўллаб ҳуқуқий адабиётларда «коррупция» деб аталishi барчага маълум. Юридик фанлари доктори, профессор У.Тожионовнинг умумий тахрири остида чоп этилган «Юридик энциклопедия»да (Шарқ, 2001 йил) бу сўзга шундай изоҳ берилган: «Коррупция мансабдор шахслар томонидан уларга берилган ҳуқуқлар ва ҳокимият имкониятларидан шахсий бойлик орттириш учун фойдаланишда ифодаланувчи сиёсат ва давлат бошқаруви соҳасидаги жиноий фаолиятдир. Коррупция Ўзбекистон жиноят қончилигида мустақил жиноят таркиби бўлмай, балки бир қатор мансаб жиноятларини, масалан, пора олиш, хизмат мансабини суиистеъмол қилишни қамраб олувчи умумлашган тушунчадир».

Кўриниб турибдики, коррупция жинояти асосан мансабдор шахслар, раҳбар ходимлар томонидан содир этилади. Сохта обрў, асьяса дабдаба кетидан қувган, бир амаллаб мансаб курсисига ўтириб олгач, босар-тусарини билмай қолган, халқим дейиш ўрнига халқум дейдиган баъзи нопок кимсаларнинг пора эвазига қонунга зид ҳаракатларини амалга ошириши ёки қонун бўйича амалга ошириши лозим бўлган ҳаракатлардан тийилиши коррупциявий жиноятни ташкил этади. Порахўрлик, мансабини суиистеъмол қилиш жиноятлари тўғрисида ОАВ тарқатган хабарларга назар ташласангиз, бундай жиноятлар муайян бир давлат ёки бир қитъа худуд

ди билан чекланиб қолмай, балки жаҳондаги барча мамлакатларни қамраб олганлигини англаб етасиз. Чиндан ҳам коррупция бутун жаҳон миқёсидаги муаммодир. Биронта давлат ундан четда қолгани ёхуд тўла қутула олгани йўқ.

1996 йил 29 март куни Венесуэла пойтахти Каракас шаҳрида тасдиқланган «Коррупцияга қарши халқаро конвенция»да мансабдор шахсларнинг маълум ҳаракатларини амалга ошириш ёки ундан тийилиш учун пул билан баҳолаш мумкин бўлган ҳар қандай нарсани ёки имтиёзни «совга» тариқасида олиши коррупциявий жиноят эканлиги баён этилган. 1940 йилда юқори мансабни эгаллаб турган шахсларнинг ўз маъқаларидан фойдаланиб, уларга билдирилган ишончли суиистеъмол қилиб, иқтисодий соҳасида содир этган жиноятларини тадқиқ этган америкалик олим Э.Садерленд бундай жиноятларни «оқ ёқалиқлар жинояти» деб атаган эди. Аммо коррупция жинояти фақат иқтисодий соҳаси билан чекланиб қолмаслиги, улар турмушнинг раҳбарлик билан боғлиқ барча соҳаларида содир этилиши мумкинлиги барчага аён. Президентимиз ўзининг «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин» (Тошкент. «Ўзбекистон». 1994 йил, 292-бет) деган асариде шундай ёзади: «Бир тизимдан янги тизим шариоитига ўтиш даврида энг катта хавф коррупция деб ҳисоблайман...»

Шуни нуқтамаслик керакки, таъмиргирлик, тўрачилик, порахўрлик, кибр-хаво, коррупция ниҳоятда яқумли ва

хавфли касалликдир. Ўз вақтида унинг олдини олмасак, бу хасталик бутун жамият танасига ёйилиши ва уни ҳалок қилиши мумкин. Бу иллат, аввало, шу касалга мубтало бўлган одамнинг ўзини еб, ишдан чиқаради. Унинг иймони, охиратини хонавайрон қилади. Сўнгра бошқа инсонларни, аста-секин бутун жамиятни емиришга ўтади».

Баъзи криминалог олимлар ўз ишларида коррупциянинг учта асосий шакли бўлишини таъкидлаб ўтганлар. Булар куйидагилардир:

- 1) Сийёсий коррупция.
- 2) Мансабдор шахсларнинг порага сотилиши.
- 3) Уюшган жиноятчилик билан боғлиқ коррупция.

Буларнинг фалончиси энг хавфли, бошқаси ўртачароқ дейишга одамнинг тили бормаиди, зеро, уларнинг барчасидан давлат ва халқ манфаатларига етказиладиган зиённи ҳатто тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Сийёсий коррупция давлат органларининг маъсۇл мансабларини эгаллаб турган шахслар ўз аτροφига қариндош-уруғларини тўплаб, қонунга зид ҳаракатларни амалга ошириб, давлат ва жамият пайдоёвругига болта урсалар, иқтисодий соҳасида фаолият кўрсатадиган «олғирлар» порага сотилиб, мамлакат иқтисодидаги раҳна соладилар.

Коррупция жиноятларини содир этган шахсларни жиноий жавобгарликка тортишда турлича фикр-мулоҳазалар мавжуд. Зеро, юқориде айтиб ўтганимиздек, коррупция Ўзбекистон жиноят қончилигида мустақил жиноят таркибини ташкил этмайди. ЖҚнинг 24 та моддасида коррупциявий жиноят ало-

матлари мавжуддир. Пора олиш (210-модда), пора бериш (211-модда), мансаб сохтакорлиги (209-модда), хизматчи пора эвазига огдириш (213-модда), ҳокимият, мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш (205-модда), Ўзбекистон манфаатларига хилоф равишда битимлар тузиш (175-модда), сохта тадбиркорлик (179-модда), сохта банкортлик (180-модда) кабилар шулар жумласидандир. Коррупциянинг, у қандай кўринишда бўлмасин, энг хавфли томони шундаки, у давлатнинг конституциявий тузумини хавф остида қолдиради. «Шунинг учун таъмиргирлик, порахўрлик, коррупцияга қарши биз энг кескин, аёвсиз чораларни ишга солаемиз», — деб ёзади Президентимиз ўзининг «Биздан овоз ва обод Ватан қолсин» асариде.

Коррупциявий жиноятчилик мамлакатимизнинг ҳам олдида турган муаммолардан биридир. Шу сабабдан 1992 йил 3 мартда Вазирлар Маҳкамасининг 96-қарори билан Республика прокуратурасида «Ташқи иқтисодий фаолиятда коррупция, талон-тарож ва бошқа суиистеъмолчиликларга қарши кураш бошқармаси» тузилган эди. Кейинчилик Республика прокуратураси тизимида Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 30 июлдаги 323-қарори билан «Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши кураш Бош бошқармаси» тузилди. Қарорда айтилишича, ушбу Бош бошқарма мамлакатда иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни такомиллаштириш, мамлакат иқтисодиётига жиддий зарар етказилишининг олдини олиш, айниқса қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга тўсқинлик қилаётган мансабдор шахсларнинг суиистеъмолчиликларига барҳам бериш ҳамда бу соҳадаги жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашни янада кучайтириш борасида фаолият олиб бориши лозим эди. 2001 йил 6 июлда эса Вазирлар Маҳкамасининг 291-қарори билан бу икки бошқарма замирида Иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бошқармаси ташкил этилди.

Демак, мамлакатимизда коррупциялашган жиноятларнинг илдиизига болта уриш учун тегишли механизм яратилган ва у муваффақиятли ишламоқда.

И.КУДРЯВЦЕВ,  
ТДЮИ катта ўқитувчиси

## HUQUQ

### YURIDIK GAZETA

#### Ta' sischilar:

0'zbekiston Respublikasi  
Bosh prokuraturasi,  
Toshkent shahar va  
Toshkent viloyati  
prokuraturalari,  
«Qonun himoyasida» jurnali

#### Bosh muharrir:

Abduxoliq

ABDURAZZOQOV

#### Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,  
Dilshod Islomov  
(Bosh muharrir o'rinbosari),  
Jahongir Sharofboyev  
(mas'ul kotib),  
Lola Shomurodova,  
Hasan Inoyatov,  
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot  
qo'mitasida №00150 raqam  
bilan ro'yxatga olingan.  
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri,  
akademik Yahyo G'ulomov  
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:  
133-82-34

E-mail: huquq@Infonet.uz

Tahririyatga kelgan qo'lyozma  
va suratlar egalariga  
qaytarilmaydi.  
Mualliflarning fikrlari  
tahririyat fikridan farqlanishi  
mumkin.

Nashrimizdan ko'chirib  
bosilganda «Huquq»dan  
olinganligi ko'rsatilishi shart.  
Tijorat ahamiyatiga molik  
materiallar \*\* belgisi ostida  
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter  
bazasida terildi va sahifalandi.  
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa  
aksiyadorlik kompaniyasi  
bosmaxonasida ofset usulida A-3  
formatda chop etildi.  
Korxonа manzili:  
Toshkent shahri,  
Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149  
Nusxasi — 16217

Gazeta haftaning chorshanba  
kunlari chiqadi

Navbatchi muharrir:  
H. NISHONOV

Navbatchi: F.MAMASHARIPOV  
Sotuvda erkin narxda

1 2 3 4 5 6 7 8

Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00  
Bosmaxonaga topshirildi 18.30



## РАКЕТА ХУЖУМИ

Яқшанба куни фаластинликлар Исроилнинг Негеф саҳроси шимолдаги Сдерот шаҳрига «Кассам» ракеталари билан ҳужум қилганлар. Бу шаҳар Фазо сектори чегаралари яқинда жойлашган. «The Jerusalem Post» газетаси кутқарувчиларнинг кўрсатмаларига асосланиб хабар беришича, ракета ҳужуми вақтида 2 киши энгил ярадор бўлган. Жабрланганлардан бири ҳали хушига келгани йўқ. Ярадорлар госпиталга келтирилган.

Шаҳарга 3 та ракета отилган эди. Аммо улар экинзорларга келиб тушганлиги сабабли жиддий зарар етказмаган. Ракеталар Бейт-Ханун шаҳридан отилган. Утган куни кечаси Исроил армияси бу ерда ҳарбий операция ўтказган эди.

## АҚШ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА ДАЪВОГАР

Коннектикут штатидан сенатор-демократ **Жозеф Либерман 2004 йилда бўлиб ўтадиган сайловларда ўз номзодини АҚШ президентлигига кўрсатмоқчи, деб хабар беради CNN. Либерман 2000 йилдаги президентлик сайловларида Алберт Гор билан бирга катнашган ва ўз номзодини АҚШ вице-президентлигига кўрсатган эди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, демократик партия томонидан 2004 йилдаги сайловларда ўз номзодини АҚШ президентлигига кўрсатган даъвогарлар ичида Либерман максатда эришишининг энг катта имкониятларига эгадир.**

Агар Либерман 2004 йилдаги сайловларда ютиб чиқадиган бўлса, у АҚШнинг яхудий маънавияти мансуб биринчи президенти бўлади. Мазлумки, у қадимги яхудий динига эътиҳод қилади.

## ТУРКМЕНИСТОНДА ПРЕЗИДЕНТЛИК САЙЛОВЛАРИ

Туркменистон президентлигига сайловлар 2008-2010 йилларда бўлиб ўтади. Бу ҳақда давлат раҳбари Сапармурод Ниёзов сешанба куни кечқурун ўзининг миллий телевидениедаги чиқишида баён қилган. Унинг сўзларига қараганда, ҳозирги кунда «қонун лойиҳаларини тайёрлаш бўйича жиддий ишлар» олиб борилмоқда. Бу қонунлар Халқ маслаҳати — мамлакатдаги ҳокимиятнинг олий вакиллик органи ролини янада оширади. Бу орган президент лавозимига номзодларнинг ҳам белгилаб беради.

## ҚАСОС ОПЕРАЦИЯСИ

Исроил кўшинлари Фазо секторидеги операцияни ниҳоясига етказиб, Хонюнус худудидеги марказий шаҳардан чиқиб кетдилар, деб хабар берилади «Ha'aretz» газетаси сайтида. Исроил ҳарбийлари бундан бир ҳафта аввал Тель-Авивда содир этилган террорчилик ҳаракатига жавобан бронетехника ва вертолётлар ёрдамида рейд ўтказиш учун Фазо секторига кирган эдилар. Исроилнинг унлаб танклар бостириб кирган Хонюнус ва Бейт-Ханун шаҳарларида қизгин отишмалар бўлиб ўтди. Хонюнус шаҳрида иккита фаластинлик ҳалок бўлди ва 14 таси ярадор этилди. Исроил армияси вакилининг хабар беришича, операция пайтида ҳарбийларга қаршилик кўрсатган беш нафар қуролланган фаластинлик ўлдирилган. Бундан ташқари қурол ишлаб чиқариладиган 6 та цех вайрон қилинган. Аммо шаҳардаги тиббиёт ходимлари фақат битта фаластинлик ўлдирилганлиги тўғрисида гапиришмоқда.

Бейт-Ханун шаҳрида Исроил аскарлари Исроил жиҳоди» ташкилоти аъзоси Мухаммад ал-Мисрийнинг уйини бузиб ташладилар. У бундан икки ой аввал Исроил денгизчиларига қарши террорчилик ҳаракатини амалга оширган эди.



Мақтаб биноси капитал таъмирдан сўнг.



Ёруғ ва шина хоналарда таълим олиш учун барча шароитлар муҳайё.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия фаолиятида туб бурилиш ясалганлиги ва комиссия томонидан олиб борилаётган ибратли ишлар хусусида ижобий фикрлар билдириш мумкин. Айниқса, комиссиянинг прокуратура идоралари билан қилаётган ҳамкорлиги жуда самарали бўлмоқда. Томонлар ҳамкорлигининг амалий натижаларига қуйидаги хайрли иш ёрқин бир мисолдир.

Бука туманидаги Алишер Навоий номли жамоа ҳўжалиги худдида жойлашган 19-урта мактаб 1971 йилда фойдаланишга топширилган. Қаровсизлик ва ҳўжасизлик оқибатида йиллар ўтиши билан мактаб биноси авария ҳолатига келиб қолган. Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва Бош прокуратура ташаббуси билан ушбу илм даргоҳи қисқа вақт ичида капитал таъмирдан чиқарилди. Мактаб ҳовлиси ва унинг атрофини ободонлаштириш ҳам назардан четда қолмади. Бу эса ушбу мактабнинг 44 кишилик жамоаси ва 517 нафар ўқувчиси учун ажойиб сова бўлди. Мактаб маъмурияти ва ўқиб-изланишга қанқоқ ёшлар кўрсатилган гамҳўрлик учун хайрли иш ташкилотчиларидан беҳад мамнун эканликларини изҳор этишмоқда.

\*\*\*

Воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия ва прокуратура идоралари ҳамкорлиги хусусида сўз юритганда, бу борада Наманган вилояти прокуратура идоралари томонидан амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталмасликнинг иложи йўқ. «Таълим тўғрисида»ги Қонун ижросини таъминлашда вилоят прокуратурасининг ушбу комиссия ҳамда Халқ таълими бошқармаси билан ҳамкорлиги ижобий натижалар қайд этилишига олиб келди.

Вилоятда жорий ва капитал таъмирлашга муҳтож 14 та мактаб таъмирланди. Уларни янги ўқув йилига тайёрлаш учун 300 млн. сўм миқдорда маблаг сарфланди. Мактабларнинг деярли барчасида ҳўққ хоналари ташкил этилиб, улар тегишли адабиётлар билан таъминланди. Натижада ўқитувчи ва ўқувчилар билан ҳўқққ мавзуларда суҳбатлар ўтказиш қўлами кенгайди.

Моддий жиҳатдан кам таъминланган оилаларнинг 108 минг нафар фарзандига кутубхона фондидан дарсликлар, 15 минг нафарига ўқув фонди ҳисобидан бепул кийим-бошлар берилди. «Меҳрибонлик уйи» тарбияланувчиларига эса Япония элчихонасининг беғараз ёрдами кўрсатилган. Шунингдек, кам таъминланган оилалар ва етим болаларга Халқ таълими бошқармасининг «Мураббий» жағмармаси ҳисобидан «Омонат дафтарчалари» очилган.

Томонларнинг амалий ҳамкорлиги натижасида вилоятда авария ҳолатидаги мактаблар бартараф этилиб, ўқидан бўйин товловчи ва тарбияси оғир ўқувчилар сони кескин камайди. Ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш 94 фоизга, дарсларни ўзлаштириш самарадорлиги эса 4 фоизга ошган. Ушбу ишлар натижасида вилоятда воёга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликнинг 15 фоиз, ҳўққбузарликнинг 44 фоизга камайишига эришилган.

Наманган вилояти прокуратураси идораларининг бу борада амалга ошираётган ишлари Республика Бош прокуратураси, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги воёга етмаганлар ишлари бўйича комиссия томонидан ижобий баҳоланди.

**✓ BIR CHIMDIM KULGU**

— Биласанми, нега Америкада қуёш бунча кеч чиқади?  
— Албатта, нега деганда Америка жуда кеч кашф қилинган.

Ҳомиладор аёл кичик ўғлидан сўради:  
— Айт-чи, ўғлим, сенга укача келтирайми ёки сингилча?  
— Ойижон, агар иложи бўлса менга велосипедча келтиришингизни хоҳлардим.

Бир бола тонг пайтида бир деҳқоннинг уйига келди:  
— Ойим, айтдилар, бир литр сигир сутидан берар экансиз.  
— Майли, аммо олиб келган идишинг жуда кичик-ку.  
— Бўлмаса, бир литр эчки сутидан бера қолинг.

Витя шодлик билан онасига деди:  
— Мен бугун бузимнинг ишларига ёрдам бердим.  
— Ҳўш, нима қилдинг? — сўради онаси.  
— Бувим пива тўради, мен эса унга йиғлашиб турдим.



**СКАНВОРД**

Чакрив қозоғи Химоячи									
				Трагедия, комедия ШАРҲ					
							Европадаги митти давлат		
								Қўн йўқ уралои	
Хўнд маъбудаси	Ишора							Йиғим, тўлоқ	
	Мушира асбоби						Аудитория		Тотув, иноқ ОАВлардан бири
	Мунажжим								
	Лойиҳа								
				Бўш ўрни	Гул номи				
Зевснинг қуси							... бола		
	Диний ўнвон			Ёдан сакланмиш			Норозчилик хати		
								Тарбия, алаб	
									«Гамҳўрлик қилувчи»
					Фасл Тираж Бемги				
								Бизнес	Ёввойи тоғ қўйи Рўқат, иқозат
								Чўқур эмас	
					Наво, куй Сон				
Нотик, вонз	Нефт маъсулоти								Спиритик ичимлик

Фозил МАМАШАРИПОВ тузган

**✓ BU AJIB DUNYO**

**ҚУВОНЧИМ БОИСИ**

Болалигим — пошшолигим дейдилар. Боланинг хоҳиши, у қайси миллатга мансублигидан қатъи назар, имкон қадар бажарилади.

Шундай қилиб, Англиянинг Гемпшир графлигидаги Тоттон шаҳрида яшовчи икки яшар Эллиот Осалливан бу ерга қор ёғмаганлигидан хафа бўлибди. Ахир ҳамма жойга қор ёғса-ю, Тоттонга ёғмаса, алам қилмайдими? Қорга бурканган Кент графлигида қатнаб ишловчи Шон Осалливан ўглининг кечинмаларидан хабар топгач, ўзининг Mercedes Sprinter фургониди уйига қор келтиришга қарор қилади.

— Машинага қор ортач, у эриб кетмасин деб иситиш тизимини ўчириб қўйишимга тўғри келди. Шу тариқа 180 км. йўл босиб, қаттиқ совқотдим. Лекин ўғлимнинг миннатдор нигоҳини кўриш учун ҳар қандай қийинчиликка тайёр эдим, — дейди меҳрибон ота.



Ўтганларнинг охириати обод бўлсин!

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси жамоаси бошқарма ҳарбий прокурори У. Маннаповга падари бузруквори **Манан АМИТОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси жамоаси Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетининг «Конституциявий ҳўқққ» кафедраси профессори, юридик фанлари доктори **Солиҳ СУЛТОНОВ**нинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг ақинларига таъзия изҳор этади.



Сўзсиз сурат

**✓ ОБ-НАВО**

**МИЛЛИЙ РЕКОРД**

Якшанба куни тонгда Венгрияда шу пайтгача кузатилмаган ҳодиса — ҳарорат Целсий шкаласи бўйича минус 30,9 градусга тушиб кетганлиги қайд этилди. «Новости» ахборот агентлигининг хабарига кўра, бу Ноград вилоятининг Забар деган жойида юз берган. Бунгача мамлакатда об-ҳаво 1987 йили 24,6 градус совуганлиги қайд қилинган.